

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги**

# **ОҚ ЙУЛ!**

*(Биринчи курс талабалари учун эслатма)*

Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2004

74.58  
098

Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижаатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман.

*И. Каримов*

Т 5001000000 – 74 қагъий буюртма, 2004 й.  
М 352 (04) – 2004

ISBN 5-635-02276-6

© Faafur Fулом номидаги нашриёт-чайбаса ижодий уйи,  
2004 й.

20/64

A5780

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston Mif

W 306/06  
09,

## Талабалар мадҳияси

Алп ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна Турон  
Қалқонлари, қанотлари, илм истанг.  
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,  
Алишернинг авлодлари, илм истанг!

Тахтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган,  
Аждодингиз уй қурмаган – Давлат қурган.  
Юрти учун елкасида тоғлар сурган,  
Рустамлари, Фарҳодлари, илм истанг.

Кўз очгандан кезиб етти баҳри уммон,  
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.  
Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон –  
Бобурлари, Беҳзодлари, илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,  
Халқ йўлида ҳидояти, ҳимматлари.  
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,  
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,  
Ихлосингиз, шаҳдингиздан шиддат ёғсин.  
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин –  
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..

Алп ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,  
Эркли элнинг қанотлари, илм истанг.  
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон.  
Алишернинг авлодлари, илм истанг.

*Мұхаммад Юсуф*

## Азиз ёш дүстим!

Аввало, Сизни тест синовларидан мұваффақият-ли үтиб, олий таълим мұассасасининг талабаси бұлғашыннан из билан чин юракдан табриклаймиз!

Сиз минглаб тенгқурларингиз билан ўз ҳаётингизда ажойиб бир даврга – талабалик даврига биринчи қадам қўйдингиз. Билим эталлашнинг, замонавий ихтисослик ва юқори малакага эга бўлишнинг кенг, машаққатли, шу билан бирга илҳомбахш йўлига кирдингиз. Сизнинг бу қадамингиз жонажон Ватанимизнинг миллий истиқололга эришган, ўз тақдиди ва тараққиёти йўлини ўзи белгилаб олган, юртимиз бойликларидан фақат ҳалқимиз манфаатлари йўлида фойдаланаётган ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар содир бўлаётган тарихий даврга тўғри келди.

Ёшликнинг жисмоний ва ақлий кучга тўлган энг фусункор палласига кириб бормоқдасиз. Мустақил Ватан Сизга замонавий билимларнинг бой хазинасини тасарруф этиш, олий даражали мутахассис бўлиб етишиш, қобилиятларингизни тўла намоён қилиш учун барча имкониятларни муҳайё этмоқда. Сизга келгусида жамиятда мўътабар ва муносиб ўринни эгаллаш учун шарт-шароит яратмоқда.

Ҳар қандай узоқ йўл биринчи қадамдан бошлади. Ҳар қандай мевали дараҳт ўз шох-бутоқларини күёшга томон қанчалик баланд кўтариб юксалтиrsa, унинг илдизлари ҳам ер остига шунчалик чуқур кириб боради.

Сизнинг илм-фан йўлидаги биринчи қадамингиз, ёшлиқ ўти чақнаб турган куч-ғайратингиз манбаи – бу ўз давлатингиз ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагини яхши билиб олишга интилишдан иборатdir.

Мана шунинг учун ҳам бугун Сизнинг янги, ажойиб ҳаётингиз рамзи бўлган талабалик билети билан бирга биз Сизга ушбу эслатмани ҳам тақдим этмоқдамиз. Унда Сиз комил инсон бўлиб етишишингизда қандай юксак инсоний фазилатларга эга бўлиш кераклиги ҳақида, мамлакатингиз, унинг тарихи, бугунги ҳаёти ва ривожланиши истиқболлари тўғрисида, мустақиллик душмани бўлган ёвуз кучларга нисбатан огоҳ бўлишиликнинг зарурлиги ҳақида ҳамда олий таълим муассасаларининг таркиби, бошқариш тизими, бўлинмалари, унда Сизнинг ўрнингиз ҳақида қисқача маълумот берилган. Сиз бу маълумотларни кунт билан ўқиб чиқинг ва ўзлаштиринг.

Сизнинг мамлакатингиз буюк давлатга айланishi учун барча имкониятлар мавжуд. Республикашимиз Президенти Ислом Каримов Ватанимизни юксак даражада ривожланган, цивилизациялашган мамлакатга айлантиришга асос бўладиган беш асосий тамоҳилни ишлаб чиқди:

1. Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги.
2. Давлат бош ислоҳотчи.

3. Қонун устуворлиги.
4. Кучли ижтимоий сиёсат.
5. Ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги.

Бу тамойиллар тараққиётнинг узбек модели бўлиб, унинг асосида мамлакатимизда ислоҳотлар амалга оширилиб борилди. Улар ҳалқимиз томонидан тўла қувватланди, янги жамият қуриш сари ташланган биринчи қадамлар йўлида энг тўғри йўл эканлигини кўрсатди. Аммо ҳаёт тўхтаб қолмайди, шароит ўзгаради, вазият бошқача бўлади, мавжуд қадриятлар ўрнига бошқаси келади. Бундай ҳол фақат республикамизда эмас, балки бутун дунё миқёсида содир бўлмоқда.

Ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган ислоҳотларни янги поғонага кўтаришдан иборатdir. Бунда ворисликни ва узвий кетмакетликни сақлаб қолиш катта аҳамиятта эга. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президентининг 2002 йил августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида демократик ўзгаришларни янада чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг қўйидаги етти устувор йўналишлари тўғрисидаги кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этмоқда:

1. Мустақилликни бундан бўён ҳам асрар-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш.
2. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини,

сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш.

3. Бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш.

4. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш.

5. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кўтариш, «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамоийлни ҳаётга жорий этиш.

6. Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш, суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш.

7. Барча ислоҳотларимизнинг бош йўналишини ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони эканлигини назарда тутиш. Бу устувор йўналишнинг марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятларнинг туриши.

Бу устувор йўналишлар мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлиб мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий ва объектив давоми бўлди.

## **Келажаги буюк давлат қуришнинг муҳим шарти**

**Мустақил Ўзбекистоннинг азиз фарзандлари!**

Президентимиз «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деганларида Сиздек юксак дидли, ўқув-уқувли, қобилиятли, салоҳиятли, фозил фарзандларимизни назарда тутганикларини унутманг. «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак» лигини дилингизга жо этинг, Сизлардан аждодлар руҳи шод бўлсин, ота-боболарингиз, халқингиз, миллатингиз ва келажак авлод мамнун бўлсин. Баркамол, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган инсон бўлиб улғайинг. Бунинг учун:

· Мустақил Ватан тақдирини ўз тақдирингиз билан чамбарчас боғланг, бутун фаолиятингизни она диёрга ва унинг буюк келажагига баҳшида этинг.

· Ватанимиз мустақиллиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида барпо этилган давлат тузумини, демократия ва қонунчиликни, халқ томонидан сайланган мамлакат Президентининг обрў-эътиборини сақланг ва мустаҳкамланг.

· Халқимиз ва мамлакатимизнинг буюк келажаги, озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёти, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши Сизга ва Сизнинг келгусидаги фаолиятингизга боғлиқлигини зинҳор унутманг.

· Сиз келгусида жамиятимизнинг барқарорлигини, осойишталигини ва миллатлар ўртасидаги тотувликни, давлатимиз хавфсизлигини, тинч-

лигини, чегараларимиз дахлсизлигини сақлаб қолишга қодир бўлган Ўзбекистоннинг муносиб фуқароси бўлиб етишишга интилинг.

· Сиз ҳозир ҳам, келажакда ҳам Ватан менга нима берди деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим, элъюрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қилмоқдаман, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган ўтитга доимо амал қилинг.

· Ўзингизда демократик тамойилларни шакллантириб боринг, уларга тўла амал қилишга ўрганинг, зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, демократия ҳар бир фуқаронинг ҳаёт эҳтиёжига айланган тақдирдагина демократия ҳисобланади.

· Демократия неъматларининг оддий истеъмолчиши эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси бўлиб етишинг.

· Халқимиз тарихини пухта ўрганинг. Боболаримиз – Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Абу Наср Форобий. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек аждодларимиз қолдирган меросга амал қилинг, уларнинг номлари билан фахрланинг.

· Аждодлар, ота-боболар эътиқод қилган динимиз маънавий қадриятларини хурмат қилинг. Одамлар руҳиятини, уларнинг қувонч ва ташвишлари, мақсад ва интилишларини англашга, аҳил, покизса, меҳр-мурувватли, оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, адолат ва инсоф билан яшашга интилинг.

· Сиз муқаллас динимиздан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишга интилувчи шахслар ва кучларга қарши аёвсиз қураш олиб боринг.

· Фуқаролик жамиятининг энг муҳим таркибий қисмлари бўлган маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат келгуси фаолиятингизнинг асосини ташкил этсин.

· Ёшлик – доноликни ўрганадиган давр. Ҳозирги замон билимларини чуқур эгалланг. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни» деган ўғитига амал қилинг.

· Умрни бугун-эрта деб орқага сурманг. Вақтдан оқилона фойдаланинг. Ўз устингизда тинмай ишланг. Билингки, халқингиз, ота-онангиз Сиздан етук инсон, жамиятнинг фаол фуқароси бўлиб етишиб чиқишингизни кутмоқда.

· Тил бойлиги тафаккур бойлигидир. Давлат тилини мукаммал эгалланг, уни ҳурмат қилинг. Хорижий тилларни ўрганинг ва пухта билинг.

· Кексалар, ўқитувчилар, устозлар, мураббийларни эъзозланг ва улуғланг. Уларнинг ўғитларига доимо амал қилинг.

· Оила жамиятнинг дуру гавҳари, унинг фаровонлиги, миллат кўзгуси эканлигини дилга жо этинг. Ота-оналар олдидаги фарзандлик бурчингизни тўла адо этинг.

· Юртимизнинг наботот ва ҳайвонот оламини, сув манбалари ва атроф муҳитини муҳофаза қилинг.

· Яхши дўст орттиришга интилинг, ўртоқларингизни ҳурмат қилинг, улар билан дўстона

муносабатда бўлинг. Ҳақиқий дўст туганмас бойлик эканлигини унутманг.

· Одамларни севинг. Улардан меҳр ва мурувватингизни дариф тутманг, уларни қайси миллатга, ирққа, динга мансуб бўлишларидан қатъи назар ҳурмат қилинг.

· Аввало, гўзал ахлоқни, кейин донишмандликни ўрганинг. Одамга ярашадиган, унинг ҳуснига-ҳусн қўшадиган либос бу одоб-ахлоқ либоси эканлигини доимо ёдда тутинг.

· Оқил ва донолар билан суҳбатдош бўлинг, илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам, уни янада бойитишга интилинг.

· Билингки, кўп нарсани билиб кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам энг ақсли ва ҳурматга сазовор одам ҳисобланади.

· Ёшлик чоғингизда унга хос бўлган жасорат, келажакка ишонч, бунёдкорлик, билимга чанқоқлик, софдиллик, самимиятлик каби олижаноб хислатларни ўзингизда мужассамлантиrint, токи улар камолотга интилган йўлингизда Сизга ҳамроҳ бўлсин.

## Ўзбек халқининг мустақиллик учун кураши тариҳидан

Қадрдан ёш дўстим!

Мактабдан Сизга маълумки, тарихда бирон-та халқ, бирон-бир миллат ўз мустақиллигини ҳеч

қачон осонлик билан құлға киритмаган. Шу билан бергә, истиқоллға эришиш ва унинг неъматларидан фойдаланиш бир күн ва ҳатто, бир неча йил давомида амалга ошмаган.

Бу йўлда ўз юртининг озодлиги ва ҳалқининг баҳт-саодати учун ҳаёт-мамот жангларида жонини қурбон қилган аждодларимизнинг муқаддас номларини ғуурур билан тилга оламиз.

**Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Таробий, Амир Темур ва бошқалар ажнабий босқинчиларга қарши озодлик учун кураш олиб бордилар ва улар авлодлар хотирасида абадий сақланиб қолдилар.**

Милоддан аввалги 530 йилда массагетлар йўлбошчиси малика Тўмарис Кир II бошчилигидаги ажнабий босқинчиларга қарши курашда қаҳрамонлик наmunаларини кўрсатди. Тўмарис ҳалқимиз орасида озодлик учун курашчи ва Ватанга садоқат рамзи сифатида қадрланади.

Аҳмонийлар ўюхи Доро I милоддан аввалги 519–518 йилларда Ватанимиз устига қўшин тортиб, уни таслим этмоқчи бўлди. Оддий йилқибоқар Широқ ўз Ватанига бостириб кирган душманларга ҳийла ишлатиб, уларни чалғитиб, Қизилқумнинг ҳалокатли жазирама даштларига бошлаб борди ва ўз жонини қурбон қилиб, Ватани ва ҳалқини ёвуз босқинчилардан асраб қолди. Широқ ҳалқимиз хотирасида миллат ва Ватанга фидойилик ҳамда ватанпарварликнинг ёрқин тимсоли бўлиб қолди.

Ёки Спитамен жасоратини олайлик. Маълумки, милоддан аввалги IV асрда юнонистонлик Искандар Зулқарнайн Ватанимиз ҳудудига бостириб кириб. ҳалқимиз бошига қанчадан-қанча кулфатлар солди. Ҳалқ қаҳрамони Спитамен бошчилигига Самарқанд-да кўтарилган қўзғолон Искандар Зулқарнайн қўшинларига катта талафот келтирди. Бу қўзғолон бутун бақтриялик ва сугдиёналикларни озодлик учун курашга илҳомлантириди.

Яна бошқа бир мисол. XIII асрнинг бошларида Чингизхон бошлиқ мӯғул истилочилари мамлакатимизга юриш бошлади. Мамлакат даҳшатли олов ичиди. Ҳўжанд шахри ҳокими ва жасур саркарда Темур Малик ҳалқни мӯғул босқинчиларига қарши чорлади ва унинг мардона курашлари душманни саросимага солди. Мӯғул босқинчиларига қарши курашда Шайх Нажмиддин Кубро жасорати тилларда достон бўлди. У жангта кирди ва кўлида озодлик байроғини маҳкам тутиб жон таслим этди.

Ёки Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машхур вакили Жалолиддин Мангубердининг мӯғул истилочиларига қарши олиб борган курашини эслайлик. У ўз қўшинлари билан II йил давомида душманнинг гарб мамлакатларига ва жанубга қараб юришини тўхтатиб кўйди.

Жалолиддин Мангуберди жасорати тўғрисида Чингизхоннинг ўзи “Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган, у саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда наҳанг каби ботир”, деб ҳайратга тушгани ва унга тан бергани тарихий манбалардан маълум.

Мовароуннахрни мўғул истилочиларидан озод этиш, тобора парчаланиб бораётган мамлакатни бирлаштириш, унинг мустақиллигини таъминлаш, истилочилар зулми остида ночорлашиб ва қашшоқлашиб бораётган халқ турмушини ўнглаш йўлида олиб борилган кўп йиллик курашларга соҳибқиран Амир Темур бошчилик қилди. Амир Темур мамлакатни душмандан озод этиш, унинг ҳудудларини мустаҳкамлаш, ўзаро тарафкашлик қилаётган амирлар ўртасида аҳилликни, биродарликни барқарор этишини ўзининг асосий вазифаси деб билди.

Амир Темур қонунлар ва миллий урф-одатларга асосланган адолат ва озодлик дастурига тўла амал қиласидиган марказлашган давлат тузди.

XVI-XVIII асрларда хонлар, амирлар ва беклар ўртасида асрлар давом этган ўзаро низо ва урушлар пировардида мамлакатни инқирозга олиб келди. Мамлакат хонликларга бўлиниб кетди. Бундан фойдаланган чор Россияси XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни босиб олиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Оддий меҳнаткаш халқ ҳам, маҳаллий амалдорлар ҳам мустамлакачилар зулми остида эзилди.

Чоризм истибодига қарши Ўрта Осиёда тинимизиз қўзғолонлар ва халқ ҳаракатлари бўлиб турди. 1892 йилги Тошкент қўзғолони, 1898 йилги Андижон қўзғолони, 1916 йилги тарихда машҳур бўлган Жиззах қўзғолони бунинг ёрқин мисолидир.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида жадидчилик ҳаракати кенг тус олди. Бу ҳаракатнинг энг таниқли

намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжаев, Мунавваркори Абдурашидхонов, Полюонниёз ҳожи Юсупов маҳаллий халқни маърифатли қилишни, чор мустамлакачиларига қарши миллий мустақиллик учун курашиб, эрк ва озодликка эришишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйдилар. Ўрта Осиёда мустабид советлар ҳокимияти ўрнатилгач, унинг гайритабиий, зўравонларча сиёсатига қарши озодлик учун ҳам қуролли, ҳам маънавий-маърифий кураш авж олиб кетди. Бундай ҳаракатларнинг бошида, бир томондан, меҳнаткаш халқ ичидан чиққан, чоризм ва советлар мустамлакачилигининг ижтимоий зарарли оқибатларини тугатиш, қонуний йўл билан Ватан озодлигига эришиш учун халқни курашга бошлаган маънавий раҳнамолар – зиёлилар, иккинчи томондан эса зўравонликка қарши қуролли лашкарлар тузган қўрбошилар турар эди. Коммунистик мафкура ва сиёsat уларни «босмачилар» ва бундай ҳаракатларни «босмачилик ҳаракатлари» деб бузуб талқин этди. 30-йилларнинг ўрталаригача давом этган бу курашда юз минглаб ватандошларимиз озодлик қурбони бўлдилар.

Сизга бу ўринда бир муҳим фикрни таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламиз. Курашлар оловида неча бор куйиб ёнган бу табаррук замин, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистон ўзининг оғир, мусибатли ўтган тарихи билангина эмас, балки

жаҳон маданиятига муносиб ҳиссасини қўшган фозилу фузалоларни етиштириб берганлиги билан ҳам дунёга машҳурдир. Булар ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Имом Мотурдий, Бурхонуддин Марғиноний, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалардир.

### Ватан мустақиллигининг қўлга киритилиши

Ватанимизнинг мустақиллиги учун кураши мантиқий натижа билан тугалланиши муқаррар эди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларининг бошларида СССР деб аталмиш империя та-наззулга юз тутди. Ҳукмрон коммунистик партия халқларнинг мустақил ҳаракатини жиловлашга оқиз бўлиб қолди. Марказий ҳокимият фалаж ҳолатга келди. СССР ич-ичидан зил кетаётганини, бундай шароитда Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигига парламент йўли билан, қонуний асосларда эришиши мумкинлигини Президент Ислом Каримов ҳаммадан олдин англади.

Президент Ислом Каримов 1991 йил 31 август куни Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди.


1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди ва миллий байрам сифатида нишонланадиган бўлди.

Ўзбек халқининг муқаддас тарихий орзуси ушалди. У сиёсий мутелик ва асоратдан қутулди. Дунё ҳаритасида яна бир мустақил, озод суврен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қувонч билан кутиб олди ва маъқуллади. Бунга 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан зълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?» мавзусида ўтказилган референдум натижалари яққол мисол бўла олади. Республикамизнинг давлат мустақиллигини ёқлаб умумхалқ референдумида қатнашганларнинг 98.2 физи овоз берди.

Бу Ўзбекистон мустақилликни ҳеч қийинчиликсиз, курашларсиз қўлга киритди, деган хуносага олиб келмаслиги керак.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда юзага келган мураккаб, оғир ижтимоий-сиёсий вазиятга тўғри баҳо бериш, унинг аянчли оқибатлари олдини олиш, ёш давлатимиз, айниқса, Президентимиз Ислом Каримов зиммасига жуда катта масъулият юклаган эди. Ўтган аср саксонинчи йилларининг охири ва тўқсонинчи йилларнинг бошида мустабид совет ҳокимиятининг зуравбонитини, ком-



мунистик мафкуранинг яккаҳокимлигини қоралаб чиқсан «Бирлик» халқ ҳаракати, «Эрк» демократик партияси, кейинчалик, мамлакатимиз истиқлол йўлига қадам қўйгандан сўнг, жамиятни янгилаш учун бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш зарурияти ва унинг машаққати, қандай ислоҳотлар ўтказиш кераклигини, одамлар онги ва психологиясини ўзгартириш лозимлигини тушуниб етмадилар. Улар конструктив соғлом оппозициянинг демократик тамойилларини оёқ ости қилиб, мамлакатда вужудга келган қийинчиликларни рўкач этган ҳолда, турли йўллар билан ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилдилар. Янги жамият қуриш, яратувчилик, бунёдкорлик ишларидан хабарсиз, сиёсий партия, партиявий кураш, муҳолифат нима эканлигини тушуниб етмаган бу гуруҳлар соҳта эҳтиросли шиорбозлик, ҳайқариқлар билан кўчакўйда митинглар уюштиридилар, ҳалқни депутатлар фаолиятига ишончсизлик билдиришга чақиридилар, ҳукумат раҳбарларига ҳар хил жирканч йўллар билан маънавий, сиёсий зарба беришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг бундай фаолиятлари, айниқса, 1991 йил 29 декабрдаги Президент сайловлари арафасида кенг тус олди.

Бундай курашда Президент Ислом Каримовнинг метин иродаси, ўз ишига ва ҳалқига ишонччи жамиятимизни барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, маънавий равнақ йўлидан олиб боришка ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бундан ташқари, мустақиллик эндиғина өзлон қилинганды ҳукуматимиз ва Президент Ислом Каримовга нисбатан асл ниятларига кўра мухолиф кучга айланган гуруҳлар ҳам ҳаракатта келдилар. Лекин улар ўз ниятларига етолмадилар. Буни жаҳон ҳам тан олди. Масалан, «Век» газетаси ўши давр тўғрисида 1995 йил 21–27 июль сонида шундай деб ёзди: «СССР парчаланиб кетгандан сўнг, энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин бундай бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади».

Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли қўйидаги имкониятларга эга бўлди:

- ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, демократик йўл билан сайланган органлар орқали ҳокимиятни бутун тўлалиги билан бошқариш;
- ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларга, табиий ва хом ашё ресурсларига тўла эгалик қилиш ва улардан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш;
- тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш;
- миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш;
- очиқ фуқаролик жамияти қуриш;

· тарихимизни холисона ёритиш, миллый вадиини қадриятларимизни қайтадан тиклаш, ҳәётимизни эски хукмрон мафкура вади мустабид тузум асортадан халос этиш;

· ёш авладни ҳақиқий ватанпарвар вади юртпарвар этиб тарбиялаш, уларга замон талабдары даражасида билим вади касб-хунар бериш;

· юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги вади миллатлараро тотувликни таъминлаш;

· ҳалқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, барча нуфузли ташкилотларга тенг ҳукуқлилик асосида яъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома вади битимлар тузиш.

Шундай қилиб, мустақиллик ҳалқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини берди.

Келгуси қадам мустақиллик берган имкониятларни воқеликка айлантиришни, бунинг учун эса мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотларни босқичма-босқич, изчиллик билан ўtkаза бориб, озод вади обод Ватанни барпо этишни тақозо этар эди. Бу улуғ мақсадга этишиш учун мамлакатимизда барча имкониятлар мавжуд эди.

### **Янги жамиятта ўтиш даврида сиёсий ислоҳотлар**

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда демократик давлат вади фуқа-

ролик жамияти қуришга йўналтирилган йўл белги-  
лаб олинди.

Мустақиллик яратган имкониятлар шарофати  
билин мамлакатимизда инсон манфаатлари, тинч-  
лиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи эркин, очиқ  
ижтимоий-сиёсий тизим барпо этишни таъминлов-  
чи кенг қамровли демократик ислоҳотлар амалга  
оширилди.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий давлат, фуқаролик  
жамияти қурилишида ҳалқаро тан олинган демок-  
ратик тамойилларга, ривожланган демократик дав-  
латлар тажрибасига ҳамда кўп минг йиллик ўзбек  
давлатчилиги тарихи ва ўзига хос миллий, маъна-  
вий, ахлоқий қадриятларга таянди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси қабул қилинди.

Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтириш-  
нинг энг демократик тизими – қонун чиқарув-  
чи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти барпо этил-  
ди.

Давлат бошқарувининг янги, замонавий, сама-  
рали энг мақбул тизими – Президентлик республика  
бошқаруви барпо этилди. Унга кўра, давлатни  
ҳалқ сайлайдиган ва кенг ваколатларга эга бўлган  
Президент бошқаради. У давлатнинг ҳам, ҳукумат-  
нинг ҳам бошлиғидир. Бундай республикада ҳуку-  
матни Президент тузади.

Республика парламенти – Олий Мажлис 13 йил  
давомида давлатимизнинг асосий қомуси бўл-  
ган Конституцияга мувофиқ 500 га яқин қонун, 10

кодекс, 2 миллий дастур ва мингдан ортиқ қарорлар қабул қилди. Ўтган 13 йил давомида Олий Мажлис бир палатали парламент сифатида фаолият юритиб, катта тажриба тўплади. Парламент фаолияти учун энг зарур бўлган омил – юқори малақали сиёsatшунослар, юристлар, иқтисодчилар корпуси шаклланди. Олий Мажлиснинг 2001 йил декабрда бўлган еттинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш зарур, деган холосага келинди. 2002 йил 27 январда икки палатали парламент тузиш масаласида референдум ўtkазилди. Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 93,65 фоизи икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз бердилар. 2002 йил апрелда бўлган Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида», 2002 йил декабрда бўлган Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон парламентининг номи Олий Мажлис, қуйи палатаси Конунчилик палатаси, юқори палатаси эса Сенат деб аталади. 2004 йил Ўзбекистон Республикаси парламентига сайловлар йилидир. Ўзбекистонда икки палатали парламентга сайловлар 2004 йил декабрда бўлади.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими тубдан ислоҳ қилинди. Миллий давлатчилик анъаналарини

ўзида мужассамлаштирган кучли ижроия ҳокими-  
яти – Вазирлар Маҳкамаси тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституция-  
си ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Суд-  
лар тўғрисида»ги Конун асосида суд ислоҳотлари  
ўтказилди. Суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжа-  
лик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий  
суди ва хўжалик суди, Тошкент шаҳар, вилоят,  
туман ва шаҳар судлари, хўжалик судларидан ибо-  
рат.

«Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокими-  
ят органларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги  
Конунга мувофиқ, вилоят, туман, шаҳарларда  
ҳокимликлар ташкил этилди. Ҳокимият қошида  
ижроия аппарати тузилди.

“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орган-  
лари тўғрисида”ги Конунга биноан шаҳар, шаҳар-  
ча, қишлоқ ва овулларда фуқароларнинг ўзини-  
ўзи бошқариш органлари – маҳалла қўмиталари  
ташкил этилди.

Бугунги кунда тўққиз минг олти юз тўқсонга  
яқин фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орган-  
лари миллий анъаналарга мувофиқ мамлакат иж-  
тиомий ҳаётида жуда катта ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда демократик жамиятга хос сай-  
лов тизими барпо этилди.

Республикада 5 сиёсий партия (Халқ демокра-  
тич партияси, «Фидокорлар» миллий-демократик  
партияси, «Адолат» социал-демократик партия-

си, Миллий тикланиш демократик партияси, Либерал-демократик партияси), Халқ бирлиги ҳаракати, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, касаба уюшмалари ва хотин-қизлар ташкилотлари, 300 республика ва халқаро нохукумат ташкилотлари, жамғармалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмаларини ўзида мужассамлантирган ижтимоий-сиёсий тузум вужудга келди.

Инсон ҳукуқлари бўйича Олий Мажлиснинг Ваколатли институти (омбудсман) таъсис этилди. Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳаракатдаги қонунчилик мониторинги институти халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Демократик институтларнинг муҳим тармоғи бўлган эркин оммавий ахборот воситалари (ОАВ) вужудга келди.

Бугунги кунда **Ўзбекистонда 609 та газета** (1990 йилда – 311 та) нашр этилади:

шундан 357 таси (1990 йилда – 300 та) давлат,  
161 таси (1990 йилда – 11 та) жамоат,  
42 таси (1990 йилда – 0) тижорат,  
47 таси (1990 йилда – 0) хусусий,  
2 таси (1990 йилда – 0) диний.

**162 та журнал** (1990 йилда – 65 та) нашр этилди:

шундан 100 таси (1990 йилда – 29 та) давлат,  
45 таси (1990 йилда – 28 та) жамоат,  
13 таси (1990 йилда – 0) тижорат,  
4 таси (1990 йилда – 0) хусусий.

Республикада 3 та ахборот агентлиги, 50 дан ортиқ телерадиокомпаниялар ва студиялар ишлаб турибди. Ўзбекистон телевидениясининг кундалик курсатувла-ри ҳозирда 51,5 соатни ташкил этса, республика радиоси 100 соатлик эшииттириш олиб боради. Ўзбек ва рус тилларида ташқи мамлакатлардан республикамизда берилаётган эшииттиришлар 17 соатни ташкил этади.

Шундай қилиб, мустақилликнинг 13 йили давомида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асослари яратилди.

### **Мустақил Ватанимиз иқтисодий ислоҳотлар йўлида**

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўлка-даги бекиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди.

Ўзбекистонда 100 га яқин турдаги минерал хом ашёни ўзида мужассам этган фойдали қазилмаларнинг 2,7 минг конлари аниқланган. Мамлакатнинг умумий минерал хом ашё салоҳияти 3,3 триллион АҚШ доллари миҳдорида баҳоланмоқда. Республика конларидан ҳар йили 5,5 млрд. АҚШ долларига тенг фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда. Олтин захиралари бўйича республика жаҳонда тўртинчи ўринни, мис бўйича 10–11 ўринни эталлаб турибди.

Президент Ислом Каримов мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос йўлини ишлаб чиқди. Бу Президент номи билан жаҳонга танилган тараққиётнинг «ўзбек модели» деб аталмоқда.

Тараққиётнинг ўзбек модели қўйидаги тамойилларга асосланади:

1. Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, иқтисоднинг сиёсатдан устунылиги, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши.
2. Давлат бош ислоҳотчи, иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори.
3. Қонун устуворлиги, қонун олдилда ҳамманинг бараварлиги ва ҳамманинг қонунга бўйсуниши.
4. Бозор иқтисодиётига ўтишининг барча бос-қичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳоли-нинг муҳтоҷ табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги.
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш.

Ислоҳотларнинг ўзбек модели бундан олдин яратилган ва мавжуд бўлган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт модели бўлиб дунёда тан олинди.

Ислоҳотлар ва иқтисодий тараққиётнинг бош мезони, Президент таъкидлаганидек, ислоҳот — ислоҳот учун эмас, балки ислоҳот — инсон учун, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтаришга қаратилганлигидадир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши деб белгиланди. Бу борада 20 дан ортиқ маҳсус дастурлар ишлаб чиқил-

ди ва уларни амалга оширишга давлат бошчилик қилди. 1991–1998 йилларда давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартиralарнинг 98 фоизи фуқароларнинг хусусий мулкига айлантирилди. Бунда ҳар 3 квартиранинг биттаси уруш фахрийлари, ўқитувчилар ва ижодкор зиёлиларга белул берилди. Давлатга қарашли кичик корхоналар, майший хизмат муассасалари, дўконлар хусусийлаштирилди.

Мустақилликнинг 13 йили давомида ўрта ва кичик бизнес ривожлантирилди, фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари 230 мингдан ошиди. Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улущи 35 фоизга етди.


Кишлоқда деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди. Иқтисодий ислоҳотлар натижасида республикамизда кўп укладли иқтисодиёт, мулкдорлар табақаси шаклланди. 2004 йилда корхона ва хўжаликларнинг 90 фоизини хусусий мулк, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кооперативлар ширкат хўжаликлари ташкил этди.

1991–2003 йилларда 2 мингта корхона ва бошқа ишлаб чиқариш муассасалари қурилди, маҳсулотларнинг 9,5 мингдан ортиқ янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республикамизда экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи тизим яратилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олиниши билан ўз-ўзидан ташқи иқтисодий фаолиятнинг иштирокчиларига айланади-

лар. Бугунга келиб, биз турли асбоб-ускуналар, озиқ-овқат моллари, ип-газлама, автомобилларни экспорт қылмокдамиз. Экспортни көнтайтириш бевоси-та экспортта мүлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўпайтиришга, унда маҳал-лий хом ашёдан кенг фойдаланишга боғлик. Бунга мисол қилиб, пахта толасини қайта ишлашни олиш мумкин. Агар мамлакатимизда пахта толасидан ип-газлама ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш 1990 йилда 12 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 30 фоизга етди.

Узбекистон галла ва нефть мустақиллигига эриши-ди. Бунинг тасдиғини қуйидаги расмларда келтирилган рақамларда кўриш мумкин:





**Саноатнинг автомобильсозлик, микробиология, целлюлоза-қофоз, қанд, фармацевтика ва бошқа тамомила янги тармоқлари юзага келди.**

Улар мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта ўрин тутмоқда. Масалан, мустақил тараққиётнинг бешинчи йилидаёқ Ўзбекистон жаҳоннинг 28 автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлари қаторидан жой олди. 1996 йилда Асака шаҳрида ҳозирги замон автомобиль заводи Жанубий Кореяning машҳур корхонаси билан ҳамкорликда ишга туширилди. «ЎзДЭУавто» беш йил давомида (1996–2001 й.й.) 250 минг автомобиль ишлаб чиқарди.

Хозирги кунда ҳар йили 70 мингга яқин автомобиль ишлаб чиқармоқда. Ёки бошқа мисол. **Фармацевтика саноати** 1994 йилда аҳолининг дори-дармонга эҳтиёжини республикада ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига бор-йўғи 4,5 фонзга қондирган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 30 фонзга етиб қолди. Охирги 10 йилда 200 номли янги дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари ўзлаштирилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

2003 йил ўрталарига келиб чет эл сармоялари иштирокида барпо этилган 2 мингдан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритди. Бугунги кунда мамлакатимизда умумий қиймати 3,6 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги 109 та устувор инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

**Чет эл сармоялари киритилиши ва чет эл сармоялари иштирокида фаолият кўрсатасетган корхоналар сонининг ўсимли**



Жаҳоннинг етакчи фирмалари ҳаво кемалари билан таъминланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси дунёning 25 мамлакати билан ҳаво алоқаларини ўрнатди, у мустақиллик йилларида 25 миллионга яқин йўловчига хизмат қилди. Агар Сизларга 1991 йилда Тошкентдан фақат Деҳли ва Қобул шаҳарларига учиш мумкин бўлган деб айтилса, буни тасаввур қилишингиз қийин бўлса керак.

Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. Мамлакатимизнинг исталган нуқтасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъминлайдиган кўл тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди. **2003** йилда республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даржаси **86** фоизга етди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда миллий ахборот тизимини шакллантириш, ахборот технологияларини иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўллаш ва халқаро ахборот жамиятига кириш учун пухта замин яратилди. Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз халқаро

Internet тизимиға кенг миқёсда уланди ва аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш амалга оширилди. Биргина 2003 йилда Internetдан фойдаланувчилар сони қарийб икки баравар кўпайди ва мамлакатимизнинг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси ахборот хизматининг муҳим тури ҳисобланаётган Internet-клублар, Internet-кафелар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Халқаро Internetда Ўзбекистонни жаҳонга ҳар томонлама намоён этувчи миллий ахборот сегменти тобора ортиб бормоқда, 2004 йил апрель ойида «uz» ҳудудида рўйхатга олинган Web-сайтлар сони 2600 тага етди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг Web-сайти ([www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)) Internet тармоғи машҳур бўлиб кетди. Бугунги кунда Internetдан фойдаланувчилар Ислом Каримовнинг 11 жилдлик асарлар тўплами электрон нусхаси билан ўзбек, рус ва инглиз тилларида танишиш имкониятига эгадирлар. Унда давлатимиз раҳбарининг фаолияти, республикамизнинг ички ва ташқи сиёсати мунтазам ёритиб борилмоқда. Сайтдан фойдаланувчилар географияси жаҳондаги 80 дан ортиқ мамлакатни қамраб олади.

### **Ватанимиз маънавий-маданий юксалиш йўлида**

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ва кафолатидир.

Шунинг учун ҳам мустақиликнинг дастлабки кунлариданоқ жамият маънавиятини юксалтириш Ватанимиз тараққиётининг устувор йўналиши деб белгиланди.

Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса кўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимиизга қайтарилди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қуидаги буюк алломалар, давлат арбоблари, мутафаккирлар ва шоирларимизнинг юбилейлари нишонланди:

**1991 й.** – Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;

**1994 й.** – Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;

**1996 й.** – Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;

**1997 й.** – Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги;

**1998 й.** – Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;

**1998 й.** – И мом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги;

**1999 й.** – Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги;

**1999 й.** – “Алпомиш” эпосининг 1000 йиллиги;

**2000 й.** – Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги;

**2000 й.** – И мом-ал Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги;

**2000 й.** – Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги;

**2001 й. – "Авесто" яратилганининг 2700 йиллиги;**

**2002 й. – Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги;**

**2002 й. – Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги;**

**2003 й. – Абдухолиқ Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги.**

Кўплаб Шарқ алломаларининг ўнлаб нодир ва ноёб асарлари ўзбек, инглиз, француз, немис, япон ва бошқа хорижий тилларда нашр этилди. Буларга Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом ал-Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Шарафитдин Али Яздий, ан-Насавий ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, фашизмга қарши Ватан озодлиги учун жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Хотира майдони» барпо этилди.

Мустақиллик шарофати билан диний қадриятлар, диний эътиқод қайта тикланди. Республикада 17 диний конфессия рўйхатга олинган ва расман фаолият кўрсатмоқда, 170 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди ва уларда Ўзбекистонда яшовчи 130 миллат ва злат вакиллари ўзларининг диний эҳтиёжларини қондирмоқдалар. 1,7 мингдан ортиқ масжидлар, христиан ибо-

датхоналари, синагогалар ва бошқа диний марказлар таъмирланди ва янгилари қурилди, 10 диний таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда, Тошкент Ислом университети очилди. Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, қадимий халқ байрами – Наврӯз қайта тикланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигига ҳаж ва умра амалларини адо этиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик йиллари давомида 40 мингга яқин ўзбекистонлик мусулмонлар Макка ва Мадина шаҳарларида ҳаж амалларини бажариб қайдилар. Фақат 2003 йилда Саудия Арабистонига мамлакатимизнинг 4 мингга яқин фуқаролари бориб келдилар. Мазкур рақамни шўролар давлатининг 70 йиллик ҳукмронлиги даврида ҳаж ва умра амалларини адо этиш имкониятига эга бўлган 86 кишилик рақам билан солиштириш мутлақо мумкин эмас.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди, унинг равнақи, қўлланилиши ва муҳофазаси давлат томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва златларнинг тиллари, қадрқиммати ҳам ўз ўрнига қўйилган.

Мустақиллик йилларида республикада оммавий жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди.

Масалан, Ўзбекистоннинг спорт мажмуаси 46 мингдан ортиқ турли иншоотлардан, шу жумладан, ўйинтоҳлар, спорт заллари, майдонлар ва ҳоказолардан иборат; бадантарбия ва спорт билан 7 млн.га яқин одам шуғулланади; мустақиллик йилларида Ўзбекистон спортчилари олимпиадалар, Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақаларда 3000 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза нишонларини қўлга киритдилар.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, бокс бўйича жаҳон чемпионлари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян, кураш бўйича жаҳон чемпионлари Акобир полвон, Камол полвон, Тоштемир полвон ва тенис бўйича халқаро турнир ғолиби Ирода Тўлаганова каби спортчилар ўзбек халқининг ифтихоридир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таълимни тубдан ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқилди. 1997 йил 27 августда – Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Миллий дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малақали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборатдир.

Республикада 64 та олий ўкув юрти, жумладан, 20 та университет, 9727 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактабларида ўқишилар 7 тилда олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида янги типдаги таълим мусассасалари очилди. Фақат 1998–2004 ўкув йиллари мобайнида замонавий ўкув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган 531 та касб-хунар коллежи, 59 та академик лицей барпо этилди, янги таълим стандартлари яратилди ва ўкув жараёнига жорий этилди.

Агар 1990 йилда давлат бюджетининг умумий сарфидан таълим ва фан учун ажратилган маблағ инвестиция билан бирга 21,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда 35 фоиздан ошиб кетди. Шу билан бирга бу мақсадлар учун бюджетдан ташқари маблағлар кенг кўламда жалб этилмоқда.

### **Куролли кучлар – хавфсизлик таянчи**

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ватан хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳудудий бутунликни сақлаш давлатимизнинг диққат-зътиборидадир. Шу давр мобайнида миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди, 1996 йил 24 апрелда “Миллий хавфсизлик тўғрисида” Қонун қабул қилинди.

Миллий хавфсизлик, аввало, мамлакатнинг мудофаа қобилиятига боғлиқ. Шу боисдан мам-

лакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. 1991 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тузилди. Ўзбекистон Парламентининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган “Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва қўшинларни ўз тасарруфига олиш тўғрисида”ти қарори асосида Ўзбекистоннинг ўз Қуролли кучлари ташкил этилди. **14 январь Ватан ҳимоячилари** куни деб зълон қилинди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, маҳсус ва муҳандислик-қурилиш қўшинлари ҳамда Миллий гвардиядан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, Президент мамлакат Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади.

Ўзбекистонда юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Тошкент умумкўшин командирлари, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Жиззах авиация Олий Ҳарбий билим юртлари, Тошкент Ахборот технологиялари университетида ташкил этилган маҳсус факультет Қуролли Кучлар сафларига турли мутахассисликлар бўйича юқори малакали командирлар тайёрлаб этиштироқда.

Тошкентда олий қўмондонлар тайёрловчи Ҳарбий Академия фаолият кўрсатмоқда. Ҳарбий Академия замонавий ҳарбий билимларни згаллаган,

Шарқ саркардаларининг, аввало, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъатини, жаҳон ҳарбий илми ва жанговар тайёргарлигининг илғор тажрибалари ни ўзлаштирган олий қўмондонларни тайёрлаб чиқармоқда. Ўзбекистонда миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин замонавий қуроллар билан қуролланган профессионал армия тузиш учун ҳарбий ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ўз фаолиятини қуидаги тамойиллар асосида ташкил қиласди ва амалга оширади:

- қонун устунылиги;
- марказлашган бошқарув ва яккабошлилик;
- доимий жанговар ва сафарбар ҳолатдаги тайёргарлик;
- фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти;
- колектив хавфсизлик тизимини барпо қилиш, ҳарбий интизомга риоя қилиш;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимизни замонавий ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар билан таъминлаш даражаси тобора ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон 1995 йил июль ойида НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурига кўшилди. Бу дастур томонидан АҚШда, Қозогистон ва Ўзбекистонда уюштирилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий-техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилмоқда:

Ҳеч қандай ёвуз экстремистлар Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлидан қайтаролмайди. Бунинг гарови халқимизнинг огоҳлиги, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳияти ва мустаҳкам Қуролли Кучларидир.

Халқаро терроризмга, диний ва сиёсий экстремизмга қарши курашни ташкил этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан ўтказилаётган нуфузли йиғилишларда Ўзбекистон фаол қатнашмоқда, ўзининг самарали таклифларини илгари сурмоқда.

### Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллинини кўлга киритган дастлабки кунлариданоқ жаҳон ҳамжамиятияга қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўlinи танлади. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг асарлари, маъруза ва нутқларида ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг асосий тамойилларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ташқи сиёсатга тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузли давлатлар – АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа юздан ортиқ мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалари ўрнатилди ва бу жараён тобора кентгайиб, чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистон Россия Федерацияси билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

В.В.Путиннинг Россия Президенти этиб сайланиши Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. В.Путин қисқа муддатда Ўзбекистонга икки марта – 1999 йил 10–11 декабрда ва 2000 йил 18–19 май кунларида давлат ташрифи билан келди. Ташириф давомида икки мамлакат Президентлари ва расмий делегациялари ўртасида савдо-иктисодий алоқаларни кенгайтириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро террорчиликка қарши курашиш ва бошқа масалалар мұхокама этилди.

2004 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик түғрисида битим имзоланди. Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси билан «Лукойл» нефть компанияси ОАЖ ҳамда «Ўзбек нефть-газ» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти ўртасида маҳсулот тақсимотига оид битим имзоланди. Бу ҳужжат Россия томонидан Ўзбекистон ёқилғи – энергетикаси соҳасига қарийб 1 млрд. АҚШ доллари микдорида инвестиция киритишни назарда тутади. Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 2003 йилда 1 млрд. 149 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилида халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, халқаро нуфузини кўтариш бобида асрларга тенг ишлар амалга оширилди:

- Ўзбекистонни 143 давлат тан олди;
- жаҳоннинг 120 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатилди;
- Тошкентда 43 мамлакатнинг элчихоналари очилди;
- республикада 88 та хорижий мамлакат ваколатхоналари аккредитация қилинган;
- дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистоннинг элчихоналари ва консуллари ишлаб турибди;
- Ўзбекистон 41 та нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси;
- жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилган;
- мустақиллик Йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига 14 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинди;
- хорижий сармоя иштирокида 2000 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда;
- жаҳоннинг 80 мамлакатига Ўзбекистон маҳсулотлари экспорт қилинади.
- ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси (қолдиги) 2003 йилда 760 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

**Юқорида келтирилган маълумот ва рақамлар мамлакатимизни сабитқадамлар билан Президентимиз**

таилаб берган йўлдан буюк келажак сари олға қараб бораётганилигини кўрсатувчи ёрқин далиллардир.

Халқимиз мустақил тараққиётнинг ҳар бир йилида асрларга татигулик бунёдкорлик ишларини амалга ошироқда.

## Огоҳ бўлайлик

Умри азиз ёш дўстлар!

Мустақиллик бу нафақат буюк ютуқ, шу билан бирга жуда катта масъулият ҳамдир. Мустақилликни асрash уни қўлга киритишга нисбатан оғирроқ вазифадир. Маълумки, жаҳон тарихида халқлар ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгандан кейин уни ички ва ташқи душманлардан сақлаб қолиш, халқни бу масъулиятли ишга сафарбар этишга жиддий ёндаша олмаганлиги сабабли яна қарам бўлиб қолганлигини кўрсатувчи мисоллар кам эмас. Бу эса биздан доимо огоҳ бўлишни, мустақилликнинг ҳар қандай душманларига, жумладан, диний экстремизм ва халқаро терроризмга зарба беришни талаб этади.

XX асрда «экстремизм», «терроризм» тушунчалари энг кенг тарқалган сиёсий сўзлар қаторидан жой олди. Бомбаларнинг портлаши, сиёсий арбобларга нисбатан қотилликлар, самолёт ва одамларни гаровга олиш ҳозирги замон турмуш тарзининг ажралмас белгисига айланиб қолди.

Экстремизм қадимги лотинча «extremus» сўзидан олинган бўлиб, ўз мақсадига эришиш учун

энг кескин ҳаракат усулидан фойдаланиш маъносини англатади. Терроризм экстремизмнинг тарихий тенгдоши ва унинг энг кескин даражадаги кўринишидир. Террор лотинча «tergor» сўзидан олинган бўлиб, қўркув, даҳшат деган маънони англатади. Мутахассислар террорни сиёсий душманга нисбатан кўрқитиш, зўравонлик йўли билан уни жисмоний жиҳатдан йўқотишга қаратилган хатти-ҳаракат деб таърифлайдилар. Агар дастлабки даврда террор давлат ёки жамоат арбобларига қарши қаратилган сиёсий терроризмнинг индивидуал кўринишида намоён бўлган бўлса, кейинчалик – XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб терроризм кенг миқёсда ва энди жамиятга ёки бутун бир давлатга қарши қаратилган тарзда на-моён бўла бошлади.

XX асрнинг 70-йилларида «халқаро терроризм» тушунчаси пайдо бўлди. Халқаро терроризм одамларнинг бемаъни ўлимига сабаб бўладиган, давлатнинг табиий ҳаётини бузадиган хавфли ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг йифиндисидир.

Кундалик ҳаётимизда тез-тез эшлилиб турадиган тушунчалардан яна бири «диний фундаментализм»дир. Бу тушунча ҳар қандай тараққиётнинг душмани, ўз сиёсий мақсадларини диний ниқоб остида олиб борувчи ўта консерватив диний оқим ҳисобланади. Бундай консерватив оқимлар барча динларга хосдир. Лекин XX асрнинг охирги ўн йилларида ислом омилининг фаоллашиб кетганинги сабабли террорчи экстремистик ташкилот-

ларнинг кўпчилиги исломдан кенг кўламда ўз мақсадлари йўлида фойдалана бошладилар.

Халқаро терроризм маълум даражада сиёсий давриний экстремизмнинг оқибати сифатида XX асрнинг охирига келиб бутун бир мамлакат ва халқлар хавфсизлигига раҳна солмоқда.

Терроризм — бу минглаб кишиларнинг ўлими, миллионлаб одамларнинг азоб-уқубатидир. Терроризм ҳозирги шароитда маълум бир миллатта тегишли ҳодиса бўлиб қолмай, балки миллатларни вайрон қилувчи кучга айланди. У жуда катта моддий бойлик ва маблағларга, замонавий қурол-аслақаларга эга.

Терроризмнинг шафқатсиз усуллари одамларга саноқсиз азоб-уқубат келтироқда. Терроризм бутун дунёда кучайиб бормоқда. Чеченистондаги воқеалар билан боғлиқ бўлган террорчилик ҳаракатларининг кучайини, Москвадаги, Россия Федерациясининг бошқа шаҳарларидаги террорчилик чиқишлари, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларидаги террорчилик ҳаракатлари, Тошкентдаги 1999 йил февраль воқеалари, экстремистик гурухларнинг 2000 йилдаги Сариосиё ва Узунга қилган қуролли ҳужумлари, АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь террорчилик вайронагарчилклари, Индонезия, Испания ва Сирияда 2004 йилда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатлари, 2004 йил 29—30 март ва 1 апрелда Тошкентда ва Бухоро вилояти Ромитан туманидаги террорчилик ҳаракатлари, 2004 йил 30 июль куни Тошкентда —

Исройл ва АҚШ элчихоналари олдида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносида содир этилган террорчилик ҳаракатлари фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракати билан халқаро терроризм ўртасида бевосита боғлиқлик борлиги ҳаммага аён.

Барча ривожланган мамлакатлар, бутун тараққий парвар инсоният терроризмнинг бундай қутуришлари олдини олишга, уларнинг раҳнамолари танобини тортиб қўйишга чақирмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримов терроризм билан кураш фақат мавжуд ҳаракатда иштирок этувчи-ларни йўқотиш билан чегараланиб қолмасдан, уларга хизмат қилаётган базаларга ҳам қарши қаратилиши кераклигини бир неча бор таъкидлаб ўтганлар.

Одамлар онгини заҳарловчи терроризмни қуроласлача билан таъминлаб турувчи марказлар билан кескин кураш олиб бориш керак. Террорга ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчиларга нисбатан бетараф турувчи мамлакатнинг ўзи бўлиши мумкин эмас.

Хозирги вақтда терроризмнинг ядро, кимёвий, биологик қўринишлари мавжуд.

Оммавий қирғин қуролларидан фойдаланаётган терроризмнинг олдини олиш халқаро ва миллий хавфсизлик учун биринчи даражали вазифа бўлиб турибди. Хозирча бирор-бир террорчилик ташкилоти ядро, кимёвий ёки биологик қуролларга эга эканлиги тўғрисида маълумот йўқ, шунга қарамас-

дан мазкур қуролларга эга бўлиш имконияти реал мавжуд. Бу одамзодни ларзага келтиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳукм суроётган тинчлик ва тотувликни бузишга ҳаракат қилаётган террористик ва экстремистик кучлар мавжуд. Улар ўз олдиларига қўйган мақсад давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан бизни қайтаришдан иборатдир. Бундай қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар пухта ўйланган режа асосида, катта маблағ билан таъминланган ҳолда, энг замонавий восита ва имкониятларга эга бўлган тарзда ҳаракат қилмоқдалар. Улардан бири ҳар хил марказлар томонидан маблағ билан таъминланиб турувчи «Ҳизбут-тахрир» оқимиdir. Мазкур диний оқим тарафдорлари ҳеч қандай ақлга сифмайдиган афсонавий ғояни олдинга сурмоқдалар. Яъни, гўё барча мусулмонлар халифалик деб ном олган диний давлатга бирлашишлари керак ва уни битта халифа бошқариши зарур эмиш. Бир ўйлаб кўрайлик, азиз ёшлар!

Ҳозирги, XXI аср бошларидаги шароит бундан минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароитдан тубдан фарқ қилибгина қолмасдан, унинг қарама-қаршисидир. Тарихни орқага қайтариш мумкин эмас. «Ҳизбут-тахрир» диний оқими, унинг ақидапараст «доҳий»лари дунё харитасини ўзгартиришга, ҳалқларни ўрта асрларда ҳукм сурган жаҳолат даврига қайтаришга қанчалик уринмасинлар, улар ўз ниятларига эриша олмайдилар, зоро биз. Президентимиз таъкидлаганидек, «қандайдир бечора, кимни-

дир етаклашига муҳтоҷ бўлган давлат ёки халқ эмас-миз».

Сизларга ўрта мактабдан маълумки, азиз дўстлар, Ўзбекистон терроризмга, диний ва сиёсий экстремизмга қарши қаратилган турли халқаро ташкилотлар ишида фаол қатнашиб келмоқда ва аср вабоси бўлган бундай ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича ўз таклифларини киритмоқда. Бунга мисол тариқасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини келтириш мумкин.

1996 йилда Шанхайдаги, 1997 йилда Москвада бўлиб ўтган Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг саммитида ҳарбий соҳада ҳамда чегара худудларида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида шартномалар имзоланди. Шу тариқа «Шанхай форуми» ёки «Шанхай бешлиги» ташкилоти тузилган эди.

2001 йил 14–15 июнь кунлари Хитойда наубатдаги Шанхай саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашиди ва Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га тўла ҳукуқли аъзо бўлиши тўғрисида баёнот имзоланди.

Ўзбекистон Президентининг таклифи билан «Шанхай форуми» номи Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – ШХТ деб ўзгартирилди. Ўзбекистон унинг асосчиларидан бири бўлди.

2001 йил июнда бўлган саммит якунидаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида

Декларация ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди.

2002 йил 6-7 июнь кунлари ШХТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Санкт-Петербург шаҳрида навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Музокаралар якунида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, ташкилотнинг таъсис ҳужжати – ШХТ Хартияси, ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳақидаги битим имзоланди. 2003 йил 29 май куни Москвада бўлиб ўтган саммитда ШХТнинг доимий амал қилувчи идоралари – Пекинда котибият ва Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (MATT) ижроия қўмитасини ишга туширишга қарор қилинди. Бу ташкилотлар 2004 йил январдан иш бошладилар.

2004 йил 17 июнь куни Тошкентда ШХТга аъзо давлат раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Унда икки асосий масала – ҳавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича музокаралар бўлди. Саммитда 2004 йил март ойида Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракати нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида вазиятни издан чиқаришга қаратилганини қайд этилди. Бутун дунёда террорчилик кучайиб, ядервий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи пайдо бўлганини, террорчилар базаларини йўқотиш, одамларнинг онгини заҳарлайдиган, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин кураш

олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Шу боисдан Тошкентда ташкил этилган МАТТ зиммасига ах-борот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, маҳсус хизматларнинг ҳамкорлигини муво-фиқлаштириш. шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юклатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ШҲТнинг шаклланиш даври ниҳоясига етди, ҳамкорликнинг янги даври бошланди. ШҲТнинг Тошкент келишиувлари ҳавф-сизликнинг мустаҳкамланишига, иқтисодиётнинг юксалиши ва ҳалқлар фаровонлигининг ошишига катта умид уйғотди.

### **Азиз талаба!**

Биз нотинч ва таҳликали даврда яшаётганимизни унутманг! Инсоният XXI асрга ўзининг энг яхши ниятлари билан қадам қўйган бир вақтда ҳалқаро терроризм ва диний экстремизм мамлакат ва ҳалқлар ҳаётига ҳавф солмоқда, уларнинг доимо қўрқув остида яшашини хоҳламоқда. Бугунги кунда дунёда бирорта давлат йўқки, у терроризм ва экстремизм ҳавфи остида яшамаётган бўлса. Терроризм дунё миқёсидаги вабога айланмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов Сизларга шу муқаддас заминни сақлаш зарурлиги тўғрисида қалб сўзлари билан мурожаат этади: «Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-бобола-рингни хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин

**сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт».**

### **Сизнинг олий таълим муассасангиз**

#### **Хурматли талаба!**

Қўлингиздаги эслатманинг бу қисмида биз Сизга олий таълим муассасасининг тузилиши, унинг бошқариш тизимидағи бўғинлари, уларнинг ҳар бирининг ўқув жараённада тутган ўрни ва роли, таълим олиш давомида Сиз риоя қилишингиз зэрур бўлган тартиб-интизомнинг энг асосий қондалари ва шу каби масалалар устида қисқача тўхталиб ўтамиз. Албатта, ўқиш давомида олий таълим муассасаларига тааллуқли бўлган, унинг мазмуни ва моҳиятини ифодалайдиган томонлари билан тўлароқ танишиб олиш имкониятига эга бўласиз. Лекин тақдим этилаётган маълумотлар Сизни янги шароитга, олий таълим муассасасидаги мавжуд шароитга тезроқ кўникиб кетишингизга ёрдам беради, деб ишонамиз.

Олий таълим муассасалари (университетлар, академиялар, институтлар ва бошқалар)да юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Олий мутахассислик таълими бакалавриат ҳамда магистратурага бўлинади.

Бакалавриат — олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим беради, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлиб, олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

**Магистратура** – аниқ мутахассислик бүйича бакалавриат негизида камида иккى йил давом этадиган олий таълим бўлиб, ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

**Аспирантура** – магистрлик негизида 3 йил давом этади ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ҳамда танланган мутахассислик бүйича «фан номзоди» илмий даражасини олиш билан якунланиди.

**Докторантур** – фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, «фан доктори» илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилиш билан ниҳоясига этади.

Олий таълим муассасасига бевосита раҳбарликни унинг ректори амалга оширади.

**Ректор** – лотинча «rektor» сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг раҳбари деган маънони англатади. Ректор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва у, ўзи раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» (дастур тўғрисида ўқиш давомида тўлиқ маълумотларга эга бўласиз) асосида таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга масъул. Шу билан бирга ректор олий таълим муассасаси фаолиятига тааллуқли келажакка мўлжалланган ишларни режалаштиради ва уларни амалга оширишни таъминлайди, олий таълим муассасаси ваколати доирасида ходимлар ва

талабалар бажаришлари мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, талабаларнинг ўқиш шароитларини яхшилашга ва уларни ўз вақтида стипендия билан таъминлаб туришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Ректор олий таълим муассасасига раҳбарлик қилишда ўз ҳузурида тузилган илмий кенгаш, ўринбосарлари — проректорлар, факультет деканлари ва кафедра мудирлари фаолиятларига таянади.

**Илмий кенгаш** — олий таълим муассасасининг ректори раҳбарлигига проректорлар, факультет деканлари, етакчи кафедра мудирлари, профессор- ўқитувчилар, аъло даражада ўқийдиган фаол талабалар таркибидан иборат жамоатчилик ташкilotи бўлиб, у таълим муассасасидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни уйғунлаштиришга қаратилган асосий масалаларни муҳокама этади ва улар бўйича қарорлар қабул қиласди. Талабалар илмий кенгаш мажлисига киритилган масалаларнинг муҳокамасида ундаги ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.

Проректор сўзи «про» — бирга ва «тектог» сўзларидан ташкил топган бўлиб, бирга бошқариш маъносини билдиради. Олий таълим муассасаларида проректорлар, асосан, қўйидаги масалалар бўйича фолият кўрсатадилар: маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректор; ўқув ишлари бўйича проректор; илмий ишлар ва ахборот технологиялари

бўйича проректор; иқтисод ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаси таркибида факультетлар ташкил этилади. Факультетда, одатда, бакалавриатнинг бир нечта таълим йўналишлари бўйича ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши мумкин.

**Факультет** – лотинча «fakultas» сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси маъносини билдиради. Факультетни декан бошқаради. Факультетда унинг йўналишига қараб бир нечта кафедралар фаолият кўрсатишлари мумкин.

**Декан** (лот. decanus – ўнбоши; Қадимги Рим Қўшинида 10 та аскарнинг бошлиғи) олий таълим муассасасида факультетнинг ўқув, илмий ва тарбиявий ишлари раҳбари. Факультет деканининг маънавият ва маърифат масалалари ҳамда ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари бўлади. Деканинг идораси деканат деб аталади. **Деканат** олий таълим муассасасининг талабалар билан ишлайдиган асосий бўлинмасидир. Декан қуидаги вазифаларни бажаради:

- факультет доирасида илмий кенгашга раҳбарлик қиласи ва талабалар илмий-тадқиқот ишлари кенгashi фаолиятини назорат қиласи;

- факультетнинг ўқув-тарбиявий, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ишларига бевосита раҳбарлик қиласи;

- ўқув режа, ўқув дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бажарилишини таъминлайди;
- кафедраларо илмий-услубий, илмий-амалий мажлислар ва конференцияларни ташкил қилади ва ўтказади;
- ўқув жараёни жадвали тузилишига раҳбарлик қилади;
- ўқув жараёнида талабаларнинг давомати ва ўзлаштиришини назорат қилади, уларнинг билим дарражасини рейтинг тизими асосида баҳолашни ташкил этади;
- ўқув жараёнига янги педагогик ўқув технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- талабаларни курсдан курсга ўтказиш, академик таътиллар бериш, давлат аттестациясига қатнашиш ва битирув ишларини ҳимоя қилишга тегишли бўйруқлар тайёрлайди;
- ўрнатилган тартибда талабаларни стипендияларга тавсия этади ва талабалар уйидан жой беради;
- факультетни аввал битиргандар билан алоқа ўрнатади, уларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган ижобий тажрибаларини ўрганади ва уларни кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда кўллайди;
- иқтидорли ва ўқишда алоҳида ютуқларга эришган талабаларга зарурий шароитлар яратиб беради;
- талабаларнинг мустақил иши учун шароит яратади ва унинг назоратини ташкил этади;

· таълим-тарбия сифатини янада ошириш мақсадида талабаларнинг ота-оналари, васийлик, жамоатчилик кенгашлари аъзоларини бу ишга жалб қиласди;

· талабаларни гувоҳнома, рейтинг дафтарчаси, бошқа ҳужжат ва маълумотлар билан таъминлайди.

Олий таълим муассасасида таълим йўналишлари ўкув режасидаги фанлар бўйича машғулотлар тегишли кафедралар томонидан амалга оширилади.

**Кафедра** (юнонча *καθέδρα* – стул, ўринидик) – 1) минбар, унга кўтарилиб маъруза ўқиласди, нутқ сўзланади ва аудитория олдида чиқиш қилинади; 2) олий таълим дастуридаги ўзаро боғлиқ фанларни ўқитиш ва шу соҳа бўйича илмий ва илмий-услубий тадқиқотлар ўtkазувчи бўлинма. Кафедралар умумтаълим, умумкасбий ёки ихтисослик йўналишлари бўйича ташкил этилади.

Кафедра олий таълим муассасасининг бошлангич ва асосий ўкув - илмий марказидир. Кафедрани унинг мудири бошқаради.

#### **Кафедра мудири:**

· давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўкув режа ва дастурлар асосида муайян фанлар бўйича ўкув жараёнини юқори даражада таъминлашга масъул;

· кафедрада ўтказилаётган илмий, илмий-услубий ишларни бошқаради;

· талабалар давомати, билими ва кўнижмаларининг мониторингини олиб боради;

- дарсларга ўзаро ташрифларни ва очиқ лекцияларни ташкил қилади ва таҳлил этади;
- таълим йўналишлари бўйича кадрларга буюртма берувчи корхона ва ташкилотлар билан узвий алоқа ўрнатади ва ҳамкорликда иш олиб боради;
- фанлар бўйича ўкув жараёнининг адабиётлар билан таъминланишини ташкил этади.

Кафедрада профессор, доцент, катта ўқитувчи ва асистентлар фаолият кўрсатади.

**Профессор** (лот. professor – мураббий) – тегишли илмий унвонли, олий таълим мусасасасида асосий назарий машғулотлар (лекциялар)ни олиб борувчи ҳамда илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилувчи юқори малакали ўқитувчи.

**Доцент** (лот. docens – ўқитаётган) – тегишли илмий унвонли, фанлар бўйича назарий ва амалий дарслар, илмий тадқиқотлар олиб борувчи етакчи ўқитувчи.

**Катта ўқитувчи** – кўп йиллик илмий-педагогик иш тажрибасига эга бўлган, одатда, илмий даражаси бўлмаган ўқитувчи.

**Асистент** (лот. assistens – қатнашаётган, ёрдамлашаётган) – профессор ёки доцент раҳбарлиги остида талабалар билан лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказувчи ўқитувчи. У кафедранинг илмий-тадқиқот, илмий-услубий ишларида иштирок этади.

Кафедра ўқитувчилари маъруза дарсларни икки ва ундан кўп гурӯҳларни бирлаштириб, амалий машғулотларни бир академик гурӯҳда, лабора-

тория дарсларини кичик гурухларда ўтказадилар. Талабаларнинг давомати, билими ва кўнижмаларини баҳолайдилар ва барча маълумотларни деканатга тақдим этадилар.

Ўқув гурухлари деканат томонидан таълим йўналишлари (мутахассисликлари) ва ўқитиш тиллари бўйича талабалар сонидан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

Ҳар бир ўқув гуруҳида деканат билан келишилган ҳолда гуруҳ сардори сайланади. Гуруҳ сардори гуруҳ аъзолари ва деканат ўртасидаги алоқаларни амалга оширади.

Ҳар бир ўқув гуруҳига деканат томонидан мураббий (куратор) биректирилади.

Куратор лотинча «cicagator» сўзидан олинган бўлиб, бирор иш, бирор шахс, бирор нарса устидан назорат олиб бориш топширилган ҳомий. Олий таълим муассасасида гуруҳ мураббийси талабалар билан маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боради, яккама-якка суҳбатлар ўтказади, ҳаётий маслаҳатлар беради, зарур бўлган ҳолларда талабалар ота-оналари билан боғланади, ўз фаолияти тўғрисида деканатга мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

Ўқитиш муддати талабалар томонидан ўқув режа ва дастур ўзлаштирилиши учун белгиланган меъёрий муддатдир. Бакалавриат учун бу камида 4 йил, магистратура учун камида 2 йил. Ўқув жараёни ўқув йиллари бўйича амалга оширилади.

**Ўқув йили** – 2 сентябрдан 30 июнгача бўлган олий таълим муассасасининг фаолият даври. Ўқув йили, одатда, икки ўқув семестрига бўлинади.

**Ўқув семестри** – олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи, ўзаро боғлиқ фанларниң маълум мажмuinи ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми.

**Ўқув семестри** давомида ўқув режаси асосида тузиленган дарс жадвалига мувофиқ лекциялар, лаборатория ва амалий машғулотлар, семинарлар ва бошқа аудитория машғулотлари ўтказилади.

**Ўқув режаси** – тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ўқитиладиган ўқув фанлари ва курсларининг таркибини ҳамда уларнинг ўқув семестри бўйича ҳажмини соатларда белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

**Дарс жадвали** – олий таълим муассасасида ҳар ўқув семестри бўйича ўқув ҳафтасида (олти кунлик) муайян фандан ўқув машғулотларини ўтказиш кетма-кетлигини белгилайдиган ҳужжат. Дарс жадвали, одатда, факультет декани томонидан тасдиқланади.

**Лекция** – ўқиши. Ўқитувчининг ижодий тавсифидаги аудиторияда ўқув режаси бўйича ўтказиладиган назарий дарс машғулотидир.

Зарур ҳолларда ўқитувчи тегишли мавзу бўйича дарсдан олдин қўшимча материаллар тарқатиши мумкин.

**Лаборатория ишлари ёки амалий машғулот назарий билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган аудиториядаги ўқув машғулотларидир.**

**Семинар** (lot. *seminarium* – кўчириб ўтказиш) – талабаларни мустақил таълим олиш, мустақил фикрлаш ва ижодий меҳнатга тайёрлаш учун мўлжалланган, уларнинг фан бўйича билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган аудитория ўқув машғулотларининг тури.

**Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ҳафтаталик ўқув юкламаси 54 соатни ташкил қиласди. Булардан 32 соати – аудитория машғулотлари, 22 соати аудиториядан ташқари мустақил иш.**

**Мустақил иш** – назарий ўқитишни мустақил тарзда ташкил қилиш шакли. Бунда талабалар ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлайди, шу жумладан, интернет воситасида ўз соҳаси бўйича корхоналарда, илмий муассасаларда, лабораторияларда билим ва кўникмаларни мустақил равишда оширади.

Таълим дастурининг маълум бир қисми тугаллангач, одатда, баҳорги семестр якунидаги малакавий амалиёт ўтказилади.

**Малакавий амалиёт** – ўқув жараёнининг назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмалар ҳосил қилиш учун ўтказилади. Малакавий амалиёт тажрибали ўқитувчи раҳбарлигига, йирик корхона ва муассасаларда ўтказилади. Малакавий амалиёт натижалари бўйича талаба ҳисобот ёзади ва уни маҳсус комиссияда ҳимоя қиласди.

Ҳар бир олий таълим муассасаси ўзининг кутубхонасига эга.

**Кутубхона** – дарслик ва бошқа ўқув адабиётларидан жамоатчилик фойдаланишини ташкил этувчи маданий-мәърифий ва ахборот маркази.

Кутубхона хизматларидан олий таълим муассасасида ўқиётган барча талабалар фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўқиши жараёнида ҳар бир талаба ўзига зарур бўлган ўқув адабиётларни белгиланган маълум муддатга олиши мумкин. Зарур адабиёт билан танишиб чиқиш учун кутубхона таркибидаги ўқув залларидан фойдаланиш мумкин.

**Талабалар уйи** – таълим олиш даврида бошқа вилоятлардан келган талабаларни вақтингачалик яшаш жойи билан таъминлайди. Талабалар уйидан жой олиш учун факультет декани номига ариза ёзилади. Мазкур ариза ўрнатилган тартибда кўриб чиқилгач, талабага яшаш жойи берилади.

Талабалар уйида яшовчилар учун зарурий шартшароитлар яратилади.

Талабалар уйида ички тартиб-қоида мавжуд бўлиб, унга барча талабалар бўйсуниши лозим. Ички тартиб-қоидага зид фаолият олиб борган талаба тегишли тартибда талабалар уйи маъмурияти томонидан огоҳлантирилади. Агарда бу натижга бермаса, яшаш жойидан маҳрум қилинади.

**Стипендия** (лат. *stipendium* – тўлов, маош) – давлат олий таълим муассасасининг кундузги бўлимида яхши баҳолар билан ўқиётган талабаларга мунтазам (ҳар ойда) тўлаб бориладиган пул.

Стипендиялар миқдори ва тўлаш тартиби тегиши-  
ли Низом орқали белгиланади.

### Ёш дўстим!

Сиз талабалик йиллари давомида эслатмада кел-  
тирилгандан кўра бир неча ҳисса кўпроқ маълумот-  
ларга эга бўласиз. Шунга қарамай, мана шу озгина  
дастлабки билимлар Сизнинг қалбингизни она-Ва-  
тан учун ифтихор ҳислари билан тўлдиришига, Сиз-  
нинг унга бўлган фарзандлик меҳрингизни ошири-  
шига, Ватаннинг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти учун  
шараф билан хизмат қиласиган малакали мутахас-  
сис бўлиб етишишингизга кўмаклашувига ишончи-  
миз комил.

## **ОҚ ЙҮЛ!**

*(Биринчи курс талабалари учун эслатма)*

Нашр учун масъул *Н.А.Халилов*  
*Мусаҳҳиҳа М.Саъдуллаевава*

Компьютерда саҳифаловчилар *З.Аҳмедова, Б.Абдухалилов*  
ИБ № 4240

Босишга 12.08.04. й. да рухсат этилди. Бичими 60x90.<sup>1/32</sup>.  
Офсет қоғози. 2,0 босма тобоги. 1,71 нашр тобоги.  
Адади 30000 нусха. 78–2004 рақамли шартнома.  
191 рақамли буюртма.

Андоза нускаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга  
максус таълим вазирлигининг «ЎАЖБНТ» Марказида  
тайёрланди. «ЎАЖБНТ» Маркази, Тошкент,  
Пахтакор кўчаси, З.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Гафур  
Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129.  
Тошкент. Навоий кўчаси, 30 // 700128. Тошкент.  
Усмон Юсупов кўчаси, 86.

Оқ йўл: Биринчи курс талабалари учун эслатма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Т.:Faфур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2004. – 64 б.